


ВОҲИД ЗОҲИДОВ

Нафосат
минтақалари
буйлаб

83,3432
3-45

ВОҲИД ЗОҲИДОВ

НАФОСАТ
МИНТАҚАЛАРИ
БЎЙЛАБ



ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1983

83.3Уз

3—45

3 $\frac{460301202-110}{M352(04)-83}$ 173—83

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й.

БИРИНЧИ ҚИСМ

АСРЛАРДАН УСТУН АЛЛОМА

Галдан мурод — инсон эрур
ҳеч бегумон...
Ибн Сино

I

Уни Маркс билган ва тулиқ номини — «Аль-Ҳусейн-Абу-Али-Бен-Абдаллах-Ибн-Сина», — деб ҳурмат ила тилга олган эди...

Яна: уни Шайх ур-Раис, яъни алломалар, билимдонлар бошлиғи деб ҳам атайдилар, улуғлайдилар...

Яна бир энг юксак баҳо. Маълумки, асрлар мобайнида, дунёда медицина соҳасида антик оламдаги юнон Гиппократ (эрамизга қадарли V—IV асрларда яшаган) ва римлик Гален (эрамизнинг иккинчи асрида яшаган) олдида тушадиганлар йўқ эди, улар энг буюк ҳисобланиб келган эдилар Ибн Синога қадар. Сўнгра кўп ўтмай, Европанинг ўзида яратилган энг эски гравюралардан бирида бу икки ҳақиқатан ҳам улуғ зотлар ўртасига, яъни марказга Ибн Сино қўйилади ва унинг бошига тож янглиғ сарварлик нишони — кийими кийгизилади, шундай қилиб, у биринчи ўринга қўйилади... Бу ўша вақтлардаги тиббиёт оламининг адолатли эътирофи эди...

Шу ерда яна бир нарсани айтиб олай. Ибн Сионинг ҳаёти ва ижоди ниҳоят даражада оғир ва мураккаб, қарама-қаршиликли, ғадод ва ғам-аламли социал шароитларда ўтди, мустабид феодал ҳукмдорлари, амалдорлари таъқиби ва иртижочи руҳонийлар, жоҳил мутаассиблар, тиканли ҳасадчилар тазйиқи остида кечди. Мана, унинг ўзи ёзган таржимаи ҳолидан олинган ва 22 ёшидан кейинга оид бўлган бир лавҳа:

«...Бу орада отам вафот этиб, аҳволимда ўзгариш юз берди; султон ҳузуридаги вазифалардан бирини ўзиммамга олдим. Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарқ қилишга, Гурганж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмларни севувчи Абу-л-Ҳусайн ас-Сахлий вазир эди. У ернинг амири ҳузурига бордим, амир Али

¹ Қаранг: К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Издание второе. Государственное издательство политической литературы, М., 1955, т. 3, стр. 150.

ибн Маъмун эди. Мен у пайтда эгнимга тайласон ва тахтаулханақли фақихлар кийимини кийиб олган эдим. Мен учун менга ўхшаганларга етадиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Нисога кўчишимга мажбур қилди. Сўнг ундан Абивардга, ундан Тусга, ундан Шиққонга, ундан Самақонга, ундан Хуросон чегарасидаги Жожурмга, ундан Журмонга (кўчдим)... Сўнгра Дехистонга кетдим, у ерда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Яна Журжонга қайтиб келдим ва у ерда менга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Шу кезларда ўз ҳолимни ифодалайдиган бир қасида ёздим, унда мана шу байт ҳам бор эди.

Мен улуғ бўлганимда кенг шаҳар ҳам сиғдиrolмай
қолди,
Қимматим ошганида харидорсиз қолдим¹.

Мана, буюк олим умрининг мисол тарзидаги бир бўлаги воқеалари ва шаҳардан шаҳарга мажбуран кўчиб юриб азоб-уқубатли дарбадарлик аламида ўрта-нишлари!..

Аммо ҳамма гап шундаки, Ибн Сино бўш келмади, бош эгмади, бардош берди, жасорат намунасини кўр-газиб ҳам тиббиёт ва бошқа табиий фанларда, ҳам фалсафаю мантиқда, ҳам насру назмда асосий мақсадим инсондир деб, буюк бўлди, бир олам хазина яратди, шу билан ҳам зулмкор замондан зўр чиқди, ҳам асрларни ортда қолдириб бизгача етиб келди, келажак авлодларга ҳам «лаббай!» деб борадиган ва ҳамдардлик қиладиган бўлди...

Чиндан-да, инсон даҳосининг мустасно қудратига қарангки, мана, минг йилдирки, Ибн Сино ўз даврида мавжуд бўлган барча фанларда эришган оламшумул аҳамиятли кашфиётлари билан, уммонимиз энциклопедик билимлари билан ҳамон дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Шундай ҳайратда қолиб унга таъзим қилганлардан бири улуғ Алишер Навоий эди. У, узоқ мезийдан бошлаб то ўзига қадар яратилган ва кейинги фанларга пойдеворлардан бирилик вазифасини ўтаган илмнинг аҳамияти асло ўлчаб бўлмас даражада буюкдир, деди, бу илмни ва олимларни жамиятдаги ҳоким зулм ва зулматга, золим ва зўравонларга қарши қўйди.

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980, 12—13-бет. Абдусодиқ Ирисов таржимаси.

Шоёни диққат жойи яна шундан иборатки, Навоий мазкур буюк инсонпарвар ва тараққийпарвар илм аҳлининг, илмнинг Шарқдан чиққан чўнг улуғ вакили, пешвоси деб шу Абу Али ибн Синони тилга олди, кўкларга кўтарди ва ёзди:

Мушкули афлок бўлуб бежадал
Бу Али фикрати оллида ҳал.
Жумла рақам килкига марқум ўлуб,
Борча улум оллида маълум ўлуб.

Ибн Сино жуда барвақт баркамол ва машҳур шахс бўлиб етилди, албатта, бу туғма нодир истеъдоди ва ғоят катта ҳамда оғир мутолаа туфайли, тўхтовсиз илмий изланишлар меҳнати ва машаққатлари эвазига...

Ибн Сино ёшлигида кўп асарлар ўқиганлигини айтиб, ўзининг таржимаи ҳолида ёзади:

«...Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишга тушдим. Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу (фанда) жуда илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва (шу йўсинда) орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин.

Шу билан бирга баъзан фикҳни ўрганишда ҳам давом этар эдим ва шу хусусдаги мунозараларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим. Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим, мантиқ, фалсафанинг ҳамма қисмларини қайтадан кўриб чиқдим. Ўша кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим...

Кечалари эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга чироқни қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим. Мабодо уйқу босса ёки ўзимни ҳорғин сезсам, қувватни қайтариш учун бир қадаҳ шароб ичиб, кейин яна ўқишга тушардим. Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди. Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим».¹

¹ Юқоридаги асар, 9—10-бет.

Яна сўзида давом қилиб ёзади Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида:

«...Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нух ибн Мансур эди. Иттифоқо, у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиртиришни сўрашибди. Мен бориб (табиблар билан) биргаликда шоҳни даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим.

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид (асарлар) турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди). Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлсалар керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим.

Ёшим ўн саккизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим»¹.

Айниқса ёшлар учун нақадар қимматли ва фойдали сўзлар-а!.. Ҳа, такроран айтмоқ лозимки, масаланинг, яъни мазкур сўзларнинг бошқа томонларидан қатъий назар, жумладан, Ибн Синонинг яшаш тарзи қандай ва юксалиш сабаблари нимада эканлигини, ҳаётнинг қанчалик ажойиблиги ва ўрناк бўларлигини кўрсатишдан қатъий назар, у сўзлар илм ҳамда ижод йўлига кира бошлаган ёшлар учун нақадар қимматли ва фойдали-я!

Шу тариқа ғоят актив ва мураккаб ҳаёт кечирди, узлуксиз ўқиди, ўрганди, ҳар нарсани текшириш, тадқиқ қилиш ва улуғ хулосалар чиқариш билан машғул бўлди, ўлим билан олишиш, муҳтожлар дардига даво бериш билан одамларнинг маънан ҳам иллатлардан

¹ Ўша китоб, 11-бет.

қутулишлари ва баркамол бўлишлари учун курашлар билан банд бўлди бутун умри бўйи Ибн Сино. Шу йўл билан гениал олим ва ижодкорга айланди Ибн Сино. Шу боисдан тарихда абадий қоладиган бўлди Ибн Сино, ҳар хил тилда сўзлайдиган миннатдор инсониятнинг энг азиз ва ардоқли фарзандларидан бири бўлиб қолди Ибн Сино...

...О, инсон! Сен кимсану... лекин бошингга нималар келмади! Буюк Низомий Ганжавий сени муъжиза деди, эъозлади, ҳазрат Навоий Сени бутун мавжудотнинг дурру гавҳари, энг қимматлиси деди, ҳатто оламнинг яратилишидан бош мақсад ҳам Сен эдинг, деди. Рафаэль ижодининг ҳам бош мавзуси, асарларининг беқиёс безаги ҳам Сен бўлдинг. Шекспир ҳам Сени коинот тожи деб эълон қилди. Сени деб ўзларини ўққа ва ўлимга нишон қилишди Пушкин ва Лермонтов, яна Сени деб ва Сен учун энг инсонпарвар янги бадийят тарихини ярата бошлади гениал Горький. Сени деб не не улуғ олимлар қанчадан-қанча азоб-уқубатларни бошдан кечиришмади, қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказишмади ва қанчадан-қанча аччиқ маломатларга дучор қилинмади! Берилган сонсиз-саноқсиз қурбонлар-чи! Ҳа, Сени деб мустабидлар зиндонида чириганлар, ё қотиллар қиличидан боши кесилганлар, ё жоҳиллар дорида жон берган фидойилар — афсонага айланиб кетган азиз номлар билан тўладир асрлар солномалари. Сенга бўлган беқиёс муҳаббат бош боискор бўлди энг гениал Инсон, энг мустасно инсонпарвар ва энг улуғ инқилобчи Ленинга! У, Сени деб ва Сен тугайли лаънати эски олам билан шиддатли олишди ва номингга, моҳиятингга мос янги олам бошлаб беришни ўз серқирра фаолиятининг асосий масаласи, ўз ҳаётининг бош маъноси деб билди, Сени деб ўз доно партиясини яратди, у партия эса «Ҳар нарса инсон учун, ҳар нарса инсон бахт-саодати учун!» (Л. И. Брежнев) деган асосий шиорни ўз Программасига қонун қилиб ёзиб қўйди, ёзиб қўйдигина эмас, тарихда биринчи бўлиб амалга ошира бошлади ҳам бу қонунни.

...Ўнинчи аср! Ундан кейинги минг йил! О, бу сапаларни санаш осон, лекин... Сен учун ана шундай шиддатли курашлар ва уқубатлар ила тўладир улар...

Йигирманчи аср! Сенинг ҳаётингга янги давр ибтидоси у. Ҳа, Сенинг тақдирингга, ўз юксак номингга, улуғ моҳиятингга мувофиқ ҳолда илм ва назарияда-

гина эмас, амалиётда ҳам ҳар томонлама янги тарих бошланган асрдир у, бизда.

Шунга, шу чўнг чуқур маъноли улуғвор асрга ўз ўлмас идеаллари ила, умумбашарий аҳамиятли ҳаёт-бахш илмий асарлари ва ажойиб бадиияти ила, бутун жаҳон фани тараққиётига кўргазган кўп асрли улкан таъсири ила асос солган, яъни минг йил мобайнида уни тайёрлашда фаол иштирок этиб келган, асрлар саҳифаларида ва авлодлар хотираларида афсонага айланиб кетган, қанчадан-қанча эртаклар тўқилган паҳлавонлардан — доҳий ижодкорлардан, буюк гуманист олим, адиблардан ва ғолиб муборизлардан биридир Ибн Сино! Ахир, шу йигирманчи асрда, бизда пайдо бўлган жамият ўз моҳиятича шу улуғ инсонпарвар шахс орзу қилган, ақл ва адолат барқарор бўлган, ақл талаблари ҳамда адолат қоидалари ҳокимлик қила бошлаган ижтимоий воқелиқдир!

Худди шундай!

Ибн Сино, бошқа гениал гуманистлар қатори, бутун хилқатда энг гўзали ва энг баркамоли, деб инсон Сени билди, эъзозлади; ўн-ўн беш ёшидан бошлабоқ бутун ҳаёти ва туну кунлари, кўрган китоблари ва ўй-фикрлари, барча ардоқлаган орзу-умидлари маъносини Сенга сидқидил хизмат қилишда кўрди. Бутун даҳоси ва меҳнатини, меҳри зиёси ва қалб кўрини, қалами қудрати ва изланишлари оқибатини Сенга бахшида қилди. Бутун бахти ва фароғатини шунда кўрди. Шу билан минг йил давомида барча башарият ва авлодлар хотирасида, илму ирфон осмонида абдий ёрқин юлдуз бўлиб қолди, уммонимиз ва тўфон тўла тарихда асло тебранмас улкан қоя бўлиб қолди, фалокатлардан сақловчи ва қирғоққа йўл кўргазувчи машъаллардан бири бўлиб қолди. У шу тарзда ўн юз йилдан бери инсоният, ақл, адолат ва эзгулик хизматидадир. Инсон манфаати ва саодати хизматидадир. Катта ҳақиқат, тараққиёт ва яратувчилик хизматидадир. Антиинсонийлик, жаҳолат ва ёвузлик билан курашувчилар сафидадир. Ўз боқий асарлари, юксак ғоялари ва ажойиб орзулари ила биз билан ҳам биргадир...

Ҳа, халқ учун ғоят оғир ва машаққатли замонда Ибн Сино инсонпарварлик байроғини баланд кўтарди, унинг гениал олимлик, ажойиб адиблик ва мазмундор жамоат арбобилик фаолиятининг асосида аввало ва белгиловчи ғоя бўлиб шу инсонпарварлик ётади, инсонга (унинг қайси миллатдан, қайси мамлакатдан экан-

лигидан қатъи назар) муҳаббат ётади, инсонга жонкуярлик ва ғамхўрлик ётади, инсон тақдири, ҳаёти, бахти ҳақида ўйлаш ва унга ёрдам беришга интилиш ётади. Шу нарса, шу фазилат унинг ижодда ва курашда кўрган кулфатлари асосида туради, мустабид ҳукмдорлар, бадкор амалдорлар ва жоҳил руҳонийлар таъқиби, таънаси ва зўравонликлари олдида асло тиз чўкмаслиги ва изчил бўлиши асосида туради...

II

Ҳақиқатан ҳам, мана унинг аввало тиббиётга оид беқиёс улкан илмини, айниқса кўп жилдли «Китоб алқонун фи-т-тибб» — «Тиб қонунлари»ни, яна бир неча жилдли монументал «Китоб аш-шифо» сини, «Уржуза фи-т-тибб»ини, гигиена ҳақидаги асарини олинг. Табиий фанлар орасида, мутахассислар орасида энг инсонпарвари ҳақиқий ҳакимлик ва ҳакимлардир, дейдилар, энг қимматли зот бинобарин, шуларга хизмат қилиш энг зарур ва энг олижаноб инсоний ишдир, муқаддас бурчдир, дейдилар. Бу том ҳақиқатдир. Зеро, ҳар бир одам яшаш учун дунёга келади, соғлом бўлиб, ўзи бахтли бўлиб, ўзгаларга ҳам бахт бахш этиб яшаш учун дунёга келади, шунга зарур моддий ва маънавий бойликлар яратиш учун яшайди. Яна денг, Ибн Синонинг ўзи айтишича, «Соғлиқ шундай ҳолатки, ундан соғлом ишлар туғилади». Бинобарин, яхши ва унумли ижодий фаолиятда бўлиш, албатта соғлиққа боғлиқ. Шундай соғлиқ муҳофазакори ва муборизи бўлди Ибн Сино! Шуниси ҳам борки, Ибн Сино касалликни табиий ҳодисадир деб қаради ва шу билан касалликни даволаш мумкинлигини, зарурлигини айтди, буни реал илмий асосга қўйди ҳам. Бу айниқса, феодализм даврида, ҳар нарса худодан деган дин ҳоким бўлган шароитларда «пешонангда нима ёзилган бўлса, шуни кўрасан», кут, деган ўта зарарли мутаассиблик халқ орасида кенг қанот ёйган вақтларда ҳар жиҳатдан ниҳоят даражада муҳим эди. Олим шу билан инсонга эркинлик ва фаоллик бахш этади, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишини ва шу учун ҳаракатда бўлиши зарурлигини уқтиради...

Ибн Синонинг энг асосий асарлари худди шуларга оиддир, шуларга бағишлангандир, шу тиббиётга ва инсонга хизмат қилишга қаратилган. Минг йилдан бери

шу энг инсонпарварлик вазифаларини ўтаб келмоқдалар.

Ибн Синонинг улуғворлиги аввало мана шунда!

Ҳа, гуманист ҳаким Ибн Сино ўзидан аввалги шарқ тиббиёти, умуман фани ютуқларини, Гален, Гиппократ, Аристотель ва бошқа антик дунё олимларининг муваффақиятларини чуқур ўрганиб, танқидий фойдаланиб, ўзи бемисл бой табобат илми хазинасини яратди, инсониятга берди ва асрлар мобайнида тиббиёт фани чуққиларида намуна бўлиб келди, жаҳон миқёсида, барча мамлакатларда, миннатдор шифокорлар назарида, ўзига ўхшаш улуғлар сафида...

Хуллас, «Ёрдам беришнинг гўзаллиги шу ёрдамга муҳтож одамнинг фойда-тасалли топишидадир», «Инсондаги энг яхши хулқ-атвор — одамларнинг қайғу ва ҳасратига кўмакдош-шерик бўлишдир», деб асло тасодифий айтмаган эди гуманист ҳаким Ибн Сино. Худди шу юксак гуманистик фикр ҳамда фазилат Ибн Сино фаолиятининг асосини ташкил этади.

Шу ерда сўз аро бўлса-да, принципиал аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим ва жиддий масала ҳақида бир неча сўз айтиб ўтмоқ лозим. Маълумки, бутун дунёда, асрлар мобайнида, жумладан, Ибн Сино замонида ва Ватанида кўплар орасида, юқорида номлари тилга олинган олимлар, айниқса Аристотель тил тегизиб бўлмас даражада даҳо бўлиб ҳисобланадилар. Лекин Ибн Сино уларга ўзича, яъни бир томондан, жуда катта ҳурмат ва миннатдорлик билан қаради, улардан кўп нарсани ўрганди, уларнинг ютуқларидан фойдаланиб изланишларини давом эттирди, иккинчи томондан, уларга ижодий қаради, қатор масалаларда мустақил ва танқидий муносабатда бўлди. Унинг катта асарларидан бирининг «Мантиқ» қисмида айтган қуйидаги сўзлари асло бежиз эмас, албатта:

«Биз уни (Аристотелни) аввалги перипатетиклар орасида энг улуғ олим деб ҳисоблаймиз, чунки у ўз дўстлари ва устозлари билмаган кашфиётни қилди, фанларни классификация қилди, ғоят яхши система-лаштирди, кўп муаммоларни тўғри ҳал қилиб ўз халқига билдирди. Ақл-заковатга мурожаат этиб, Аристотелнинг хатоларини тузатиш керак эди. Лекин унинг издошлари буни қилмадилар, улар Аристотелнинг кучли таъсиридан чиқолмай ҳамиша унинг таълимотидаги тўғри томонларни тушунишга ва унинг нотўғри фикрларини эса борица қўллаб-қувватлашга ўз умр-

ларини сарф қилдилар... Биз эса улар хоҳлаган, лекин бажара олмаган ишларни бажардик...»¹

Шу билан бирга, XII асрда яшаган таниқли шоир, адабиётшунос олим, табобат ҳақида ҳам анчагина ёзган, «Мажмаъ ун-нодир» номли чўнг қимматли асари асрлар мобайнида дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилиниб, нашр этилган Низомий Арузий Самарқандийнинг ҳам қуйидаги сўзлари тасодифий эмас эди, албатта:

«Қонун»нинг биринчи жилдини билган кишига табобат илми усуллари ва соҳаларидан ҳеч бири яширин қолмайди. Зеро, агар Буқрот (Гиппократ) ва Жоллинос (Гален) тирилиб келганларида эди, улар ҳам бу китоб («Тиб қонунлари») олдида, ҳеч шубҳасиз, сажда қилган бўлур эдилар».

III

Ибн Сино тиббиётдан бошқа, фалсафа, мантиқ, психология, социология соҳаларида ҳам ўз улкан мактабини яратди, буни у ўзининг «Қитоб аш-шифо», «Донишнома», «Қитоб ан-нажот», «Қитоб ал-ишорат ва-т-танбихот», «Фи ақсом ал-улум ал-ақлия», этика тўғрисидаги ва қатор бошқа асарларида амалга оширди. Қарангки, унинг ғоят серқирра ва унумдор фаолиятининг мазкур иккинчи чўнг муҳим соҳаси асосида ҳам аввало инсон, инсон муаммоси, инсон тақдири, инсон бахти масаласи, яъни инсонпарварлик ётади.

Ҳақиқатан ҳам, файласуф Абу Али ибн Сино ўз эътибори марказига биринчи навбатда инсон моҳиятини очиш, шу ила алоқадор ҳолда бутун хилқат моҳиятини, маъносини очиш, зулматли феодал-клерикал шароитларда жуда бўғиб ташланган инсонни эмансипация қилиш, унинг қадр-қимматини тиклаш, унда ҳурфикрлиликни, актив фаоллик ва ижодкорликни таъмин этиш, уни актив меҳнат жараёнига тортиш ва шу билан тараққиётга олиб бориш умуман бечора халқни ҳамда аянчли мамлакатни ривожлантириш мақсадини қўяди, ўз дунёқарашидаги жиддий зиддиятлар ҳамда маҳдудликларга қарамай, албатта.

Ибн Сино, гарчи худо борлигига ҳеч шубҳа қилмаса-да, баъзан эманация назариясини, қандайдир мистик «дунёвий ақл» бордир деган фикрни тан олса-да, лекин шунга қарамай, у, худони атрибутсиз деб тал-

¹ История философии, Москва, «Наука», 1957, стр. 11—12.

қин қилади ва кўпинча айтадики, модда (материя) ҳечдан яратилмаган, худо сингари азалий ва абадийдир, моддий олам мустақилдир, ўзича ўз қонуниятлари асосида, табиий сабабият асосида ҳаракат қиладиган ва бир шаклдан бошқа шаклга, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб, ривожланиб турадигандир, йўқ бўлмай-дигандир, инсон шу воқеликнинг меваси ва узвий қисмидир, инсон тақдири шу воқелик билан боғлиқдир. Бинобарин, у актив ва унумдор ижодкорлик, яратувчанлик, меҳнат фаолиятида бўлмоғи лозим, табиат билан бир бўлиб унинг сирларини билмоғи ва шундай қилиб табиат бойликларидан максимал фойдаланмоғи ва бахтиёр бўлмоғи лозим. Бунинг учун инсонда зарур имкониятлар мавжуд: у, табиатан, моҳиятча актив ва яратувчидир, унда ҳис аъзолари, ҳофиза, фикр қилиш, тадқиқ этиш, умумлаштириш, ақл ва бошқа қобилиятлар, воситалар бор, айниқса, ақл қудрати ва меҳнат роли бениҳоя зўр ва муҳим. Ҳамма гап мана шулардан истифода эта билишдадир. Демак, инсон тақдири бунда ҳам унинг ўз қўлидадир, ўзи ҳал этиш имкониятига эгадир уни. Шунга қараб иш тутмоғи вожибдир.

Ибн Синонинг илмий асосга эга бўлмаган астрологияни рад этиши ҳам тасодифий эмас...

Жуда кенг қанот ёйган ва миллионларча нотавонлар онгини қоплаб олган хурофий дунёқараш ҳар бир нарсани самовий кучлардан кўрар, ҳар бир воқеани илоҳий ирода билан изоҳ этар, олдиндан белгиланган деб талқин қилар эди. Шу билан инсон ақли, идроки ва истеъдодини ўтмаслаштирар, ташаббус ва ижодкорлигини заифлаштирар, бўғар эди, аянчли аҳволга йўлиқтирар эди. Ибн Сино, тангрини тан олган ҳолда худо реал олам ишларига аралашмайди деб мазкур хурофий тақдирчиликни рад этишга етиб келади ва инсонни мустақилликка, яратувчиликка ва озод фаолиятда бўлишга, шу билан бахтли бўлишга даъват этади. Буни Ибн Сино баъзан очиқ ва ойдин ифодалайди, баъзан эса муайян сабабларга кўра ҳар хил ўта мураккаб назариялар ҳамда ғоят чигал иборалар билан қилади.

Маълумки, ўлимдан кейинги ҳаёт муаммоси, жоннинг, руҳнинг ўлиши ё ўлмаслиги масаласи, нариги дунё, жаннат ва жаҳаннам ҳақидаги ақидалар ҳам миллион-миллион одамларнинг, файласуфларнинг, илм ва адабиёт аҳилларининг диққат марказида турган проблемалардан эди. Хурофий дунёқарашлар одам ва-

фотидан кейин ҳам унинг жони, руҳи яшайди, деб инсон эътиборини нариги дунё, ундаги «мукофот» ва «жазо» ҳақидаги фикрлар ила чулғаб олган ва шу билан унинг қўл-оёғини боғлаган, иродаси ва ижодкорлигини заифлаштирган, эрки ва фаоллигини жуда чеклаб қўйган эди, бунинг устига, мавжуд феодализм жамиятни, ҳоким ғайриинсоний социал шароитларни сақлаб қолишга ёрдам берган эди, инсоннинг тутқунлиги ва аялч аҳволини мустаҳкамлашга олиб келганди.

Ибн Сино бу масалаларда ҳам аксаран илғор, ижобий позицияда турди. У, материалистик фикрни ифодалаб айтдики, одам танаси тўрт моддий унсурдан — рухлардан, яъни ҳаво, сув, олов ва тупроқдан, шу унсурларнинг бирикмасидан иборатдир, одам вафот этганидан кейин улар яна бир-бирларидан ажралиб, тарқалиб кетадилар, шахсий руҳ — жон шуларга боғлиқдир. Бинобарин, Ибн Синонинг қуйидаги сўзлари тасодифий бўлмай, чуқур фалсафий асосга ҳам эгадир.

Танада гар пайдо бўлса қандай мараз,
Тибдан топар давосини ҳар бир араз...¹
Билсанг, табиий нарсалар — рухлардан,
Улар қоришидан пайдо бўлур бадан.
Бу хусусда Букрот қавли саҳих улур,
Тупроқ, олов, сув ҳам ҳаво манба бўлур.
Унга далил: жисм ҳалок бўлса магар,
Муқаррарки, тўрт унсурга яна қайтар,
Рухлар гар бўлса бир хил табиатли,
Қуролмасдинг касал бўлган тирик зотни.

(А. Ирисов таржимаси)

Ибн Синонинг қуйидаги фарёди ҳам кўп нарсадан далолат беради, албатта:

Иққликка кетмишлар минглаб улур зот,
Бирортаси қайтиб келмади, ҳайҳот!

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Шундай қилиб, Ибн Сино баъзан, одам вафоти индивидуал жоннинг ўлиши, тирилмаслиги демакдир, деган назария томонида бўлди ва инсон ҳаётини, тақдирини реал олам билан, ундаги реал ҳаёт билан қаттиқ боғлади, одамни ёмонликлар билан курашга чақирди

¹ Араз — касаллик нишонаси, кўриниши, симптоми.

ва фаровонлик ҳамда бахтиёрлик учун зарур бўлган эркинлик, фаоллик ҳамда ижодкорликка ундади.

Ибн Сино ўз даврида топталган инсонни, унинг таҳқирланган гузал инсоний фазилатларини, эзгу ният ва интилишларини улуғлаб, ажойиб севги таълимотини ҳам ўртага ташлайди. Унинг айниқса «Ишқ рисоласи»да ифодаланган бу таълимотича, инсон зотида, моҳиятида яхшиликка, эзгуликка ва гузалликка муҳаббат билан қараш бор, муқаддас инсон номига иснод келтирадиган ёмонликларни, ярамас иллат, ҳаракат, муомала ва хулқ-атворларни нафратлаш хусусияти бор. Ибн Сино одам бахтини мана шу муҳаббатга ва нафратга қаттиқ риоя қилиш ва унга ҳар ишда, ҳар қадамда содиқ қолишда кўрди. Бу таълимот ҳам буюк гуманист Ибн Синонинг ўз кўримсиз даври билан туқнашишга олиб келди ва кўп азоб чекишига сабаб бўлди, зеро, ўша жамият инсонга зарарли бўлган, инсон моҳиятига зид ҳисобланган иллатларни туғдириб ҳамда тақозо қилиб турарди...

Ибн Сино айтадики, бола ёмон одам бўлиб туғилмайди, яхши моҳият билан дунёга келади, кейинлар эса уни ўраб олган кўримсиз социал муҳит бузиши мумкин, жумладан, ярамас давлат сиёсати, талаблари, шундай давлат бошида турган ярамаслар одамни ёмон йўлга солиб юборадилар. Улуғ гуманист социолог, бундай муҳитни, шундай мустабид ҳокимият ва ҳокимларни танқид қилди, муҳитнинг асл ижобий инсоний моҳиятга мувофиқ бўлишини орзу қилди. Энг муҳими, яна шундан иборатки, Ибн Синоча, одамнинг қандай бўлишлиги уни ўраб олган социал муҳитгагина боғлиқ эмас, унинг яхши ва ёмон бўлиши оилага ҳам боғлиқдир, бу болалигидан бошланади. Шунинг учун Ибн Сино бола тарбиясига, болани энг яхши инсоний фазилатлар руҳида, эзгулик ва гузалликка муҳаббат руҳида катта қилишга, музыка, бадантарбия, шеърият, ҳатто яхши, маъноли ном қўйишга ҳам катта эътибор ва аҳамият беради. Ибн Сино одамларнинг ҳар жиҳатдан, ақлан, хулқан, жисмонан мукамал ва гузал бўлишлари, яъни билимли, жасур, камтарин, меҳнатсевар ва ижодкор, ижтимоий фойдали, бир-бирларига дўст, меҳрибон ҳамда ҳамкор бўлишларини орзу қилди, одамларнинг шундай бўлишлари имконияти уларнинг ўз моҳиятларида, туғма ҳолда мавжуд деди ва ҳамма гап илм, санъат ҳамда билимлар воситаси ила, оила ҳамда давлат, ҳокимлар томонидан эзгулик руҳида

тарбия қилиш орқали шу имкониятларни юзага чиқаришдадир, деди.

Шу билан алоқадор ҳолда ва мазкур имкониятларни амалга ошириш ва шундай баркамол бўлиш зарурлигини илмий асослагандай ҳам бўлиб, одамнинг ижтимоий зот эканлигини кескин суратда қайд қилиб, Ибн Сино яна бир ғоят муҳим фикрни ифодалади ва бутун қатъияти билан айтди (буюк Форобий ортидан бориб): «Одамзоднинг яшаб — мавжуд бўлиб туриши одамларнинг ўзаро бирлик, алоқа-муносабатда бўлиб яшашларига боғлиқдир, яккалик, бир-биридан қочиб, четланиш эса, одамни тирикчилик — турмуш учун керак бўлган нарсаларсиз қолдиради, ҳаёт учун энг зарур бўлган ашёларсиз қолдиради». Бинобарин, ҳаммага бирга бўлиб, эзгу ишлар билан машғул бўлишдадир, жамият мавжудлиги ҳам унинг аъзоларининг ўзаро ҳар томонлама алоқа ва бирга фаолиятда бўлишларига, ҳамкорликларига боғлиқдир.

Бу чўнг чуқур маъноли фикр бўлиб, шу билан ҳам изоҳ этилади Ибн Синонинг, масалан, дўстликка ниҳоят даражада катта аҳамият берганлиги ва улуғлагани. У айтдики, дўстлик инсоннинг шундай бир ҳолатидирки, бунда бошқаларга яхшилик қилади, яхшиликни ўзи учунгина истамайди, балки кўпроқ бошқалар учун хоҳлайди; дўст бу яхши қўрувчидир, дўст ўз дўстининг хурсандлигида унинг шодлигига шерик бўлади, бахтсизлик кезларида қайғусига шерик бўлади... Умуман, Ибн Сино ҳақиқий, самимий инсоний дўстликни, ҳамкорлик ҳамда бирликни мадҳ этиб, бундай муносабатларга зид бўлган худбинлик, шахсиятпарастлик, ривкорлик ва шунга ўхшаш ярамас иллатларни қоралаб, ўз давридаги бемурувватликлардан, ҳийлаю хиёнатлардан, беҳаёлик ва ёвузликлардан ёқаси чок бўлиб, ўзининг ва ўзига ўхшаганларнинг аччиқ тақдир, фожиаси ҳақида ноаланиб, одамларни тўғрилиқ ва самимийликка, баркамолликка чақириб, қуйидаги ғоят теран маъноли муҳим ҳамда қимматли сўзлар ила бошлайди ўзининг қушлар ҳақидаги машҳур қиссасини:

«Менинг қайғуларимдан бир озини эшитишга лойиқ даражада қулоқ тутадиган биродарларимиздан бирортаси бормикин?! Агар менга ўртоқлик қилиб, у шундай қилганида менинг баъзи оғирликларимни кўтаришга шерик бўларди. Шунда ҳақиқатан ҳам чин дўст шод ва ғамгин пайтларингда ўз дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қололган ҳисобланарди...

Агар дўстлик савдо-сотиққа ўхшаб, эҳтиёж талабига қараб исталса, унга зарурат бўлмаганда назарга илинмай тарк этилса, унда қандай дўстлик бўлади?

Дўст ўз дўстини бирон кулфат юз бергандан ўзга вақтда ҳеч зиёрат қилмаса, шу ҳам дўстлик бўлдимиз, ахир?!

Эй, худо, майли, ахир илоҳий яқинлик бирлаштирган, ораларини олий меҳрибонлик яқинлаштирган дўстлар бор-ку! Улар ҳақиқатга тик қарайдилар, кўнгилдан ифлослик ва шак-шубҳа зангини кетказадилар, уларни бир-бирлари билан, холисонлиллоҳ дўстликдан бошқа ҳеч нарса бирлаштирмаган.

Эй, биродарлар! Ҳақиқатни ёйинглар, баҳамжиҳат бўлинглар. Баъзиларингизни баъзи нарсаларни ўрганишларинг ва баъзиларингизни баъзи нарсалар билан камол топишларинг учун орангиздаги ҳар бир киши ўз биродарига нисбатан дилидаги пардани холис очиб ташласин...

Эй, ҳақиқий биродарлар! Одамларнинг ботири келажакдаги мушкулотдан қўрқмайди. Камолга етишдан чекланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир»¹.

Ҳа, Ибн Сино самимий шахслар, халқлар орасидаги дўстлик, беғараз ҳамкорлик ва ҳаётбахш тинчлик қуйчиси бўлди.

Зарарли худбинлик асосига қурилган ва антиинсоний характерга эга бўлган даврда дўстлик, ҳамкорлик ва тинчликка зид бўлган кўримсиз ҳодисаларни, иллатларни қанча кўп учратган ва қанчалик катта азоб чеккан бўлмасин, барибир Ибн Сино инсоннинг ижобий моҳиятига, соф қалби, қудрати ва қобилиятига, баҳодирлик ва ижодкорлик имкониятлари, эзгулик ва гўзалликка интилиш имкониятлари ғоят катта эканлигига ишонди ва ўзи учун кредо бўлган қуйидаги жуда юксак ҳамда ҳайратланарли орзуга етиб келди:

«Юксалмоқ, фазо муҳитига чиқмоқ инсонга ғоят ярашади...» Фазокорлар даврида яшаётган бизлар учун буюк инсонпарвар шахснинг бу ўта гўзал нияти жуда тушунарлидир...

Шу айтилганлар билан ҳам алоқадор ҳолда Ибн Сино дейдики, одамнинг ҳақиқий инсон бўлишида, юксак инсонийликка содиқ қолиши ва бахтли бўлишини

¹ Абу Али ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика. Фалсафий қиссалар. Шеър санъати. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980, 71—72-бетлар. А. Ирисов таржимаси.

таъмин этишда энг катта ва ҳал қилувчи омиллардан бири ундаги бебаҳо ақлдир. Ақл инсонга ҳаво ва сувдай зарур бўлган билим беради, табиат ва жамиятдаги жумбоқларни ечишга, яхшини ёмондан ажратишга, яхшилик билангина, фойдали фаолият билангина бўлишга ёрдам беради. Бинобарин, ҳар ишга шу ақл кўзи билан қараш, ҳар қадамда шу ақл билан бўлиш шарт, агар бахтли бўламан деса киши.

Лекин одамда ақл билан бирга ҳиссиёт ҳам борки, у, ақл ихтиёридан ташқарида қолиб устун келганида, одамни ярамас ҳолатларга, бахтсизликларга олиб келиши мумкин. Масалан, ақлга тамомила зид бўлган ортиқча майпарастликка, айш-ишратга, бошқа ҳар хил хулқий бузуқликларга берилиб кетиш, бахтсиз ҳамда шарманда бўлиш... Шу ҳақда ҳам ғзаб билан сузлаб, ҳам ачиниб — афсусланиб, мана, масалан, нима дейди Ибн Сино ўзининг тузоққа тушган қушлар ҳақидаги қиссасида:

«Эй ҳақиқий биродарлар! Фаришта ёмонликка юз тутса ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, ажабланиш керак эмас. Мабодо агар инсоннинг вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватларга берилсаю бу йўлда ўз инсонлигини йўқотиб, тоатини тарк қилган бўлса, бундай инсонга ажабланиш керак бўлади. Ўлай агар, ҳеч шак-шубҳа йўқки, одам фариштаси шаҳвоний ҳисларни йўқотишда собит қадамдир. Унинг оёқлари жимога юрмайди. Агар кишидаги инсонийликнинг ёмонликка тортадиган шаҳватни қайтаришга қурби етмаса, у ҳайвондан ҳам паст туради...»¹

Ҳа, худди шундай!

IV

Ибн Сино яратган буюк маънавий оламнинг учинчи ниҳоят даражада муҳим ва қимматли соҳаси ундаги бадиятдир. Бу ижодда ҳам у ўз даврининг илғор позициясида, юксаклигида турди ва ўзини ажойиб гуманист сифатида намоён қилди, инсон тақдири ва бахти масалалари, чин инсоний фазилатлар, уларни эъзозлаш, тарғиб этиш ва эзгулик душманларини савалаш, умуман яхшиликни куйлаш, ёмонликларни рад этиш адиб ва шоирнинг диққат марказида турди.

У ўзининг наср йўлида ёзган «Юсуф қиссаси», «Ҳайй ибн Яқзон», «Саломон ва Ибсол», «Китоб шабака ва-т-

Ушша китоб, 72-бет.

2-331/2

4800917

АХБОРОТ-КУЛЬТУРА МАРКАЗИ

тайр» («Тузоқ ва қуш китоби»), номли машҳур қиссаларида ажойиб символик характери, теран фалсафий моҳиятли ва мураккаб психологияли образлар ҳамда ситуациялар яратди.

Масалан, «Саломон ва Ибсол»да Саломоннинг гузал хотини ўз эрининг укаси Ибсолни севиб қолади. Унинг бу севгиси ҳам жуда ўртайдиган даражада беҳад кучли, ҳам олчоқ, ҳам ғоят макрли, шафқатсиз. Хотин Ибсолдан ўзи учун ижобий муносабат чиқмагандан кейин йигитни ошпаз ва дастёр ёрдами пла ҳатто заҳар бериб ҳалок қилишга қадар етиб келади. Лекин бу фожианинг охири, жинояту хиёнатга қарши турган жазо ҳам бор, енгиб чиқадиган ҳақиқат ҳамда адолат бор, софликнинг тантанаси бор, деган фикрлар билан тугалланади ва Ибсол гарчи ҳалок қилинган бўлса-да, унинг ўлими тозаликнинг, юсак одабийликнинг ғалабасидай туюлади... Мана, нима ёзади Ибн Сино асар ниҳоясига бориб ва Ибсолни заҳарлаш ҳақида яқун ясагандай сўзлаб:

«Бу тадбир (Ибсолни заҳарлаб ўлдириш — В. З.) сабрли кишиларни ҳам бесабр қилди, кўпчиликни мусибатга чўмдирди. Бундан ҳатто ер титраёзди; ер юзидаги ҳар бир жонли нарса Ибсолнинг ҳалок бўлишидан ғаму ҳасратга тушиб, ҳатто Ибсолнинг ўзи эгалик қилган мамлакатлардаги ва қилич билан қўлга олган юртлардаги кишилар ҳам ҳасратланиб, бу иш содир бўлганидан ғазабга келишди. Чунки Ибсол ҳар жонлининг назарида энг олижаноб, асл инсон, билим-маърифатли улуғ киши тимсоли эди.

Шундан кейин акаси бутун қўлларидан воз кечди. У қўлларини озод қилиб, уларга худди ўз қариндош-уруғларидек илтифот қилди...

Шундай қилиб, тағри Саломонга бир ҳукм орқали хотинининг бу қилган ишини ошкор қилди. Натижада унга хотин, ошпаз, овқат ташувчилар томонидан қилинган маҳфий ишлар маълум бўлди. Улар зулм қилувчи киши учун биздаги бор бўлган азобу уқубатларни билмадилар. Уларнинг учаласига ҳам Ибсолга ичирилгандек ҳўплаб заҳар ичирилди. Уларнинг учаласи ҳам ўлиб, ўз жойларидаёқ чириб кетдилар. Бундайларнинг ҳар бир қилган ишларига яраша жазомиз ҳам бор...»¹.

Ибн Синонинг «Ҳайй ибн Яқзон» қиссаси ҳам чўнг

¹ Уша китоб, 85-бет.

муҳим. Унда автор очкўзлик ва ялқовликни, олчоқлик ва ёмонликни, фитна ва бўҳтонни, ўғрилик ва хиёнатни, маст-аластлик ва бузуқликни, жоҳиллик ва ўжарликни, бахиллик ва ҳасадни, қалбакилик ва уйдирмани, лаганбардорлик ва бошқа шунга ўхшаш ярамасликларни символик образ — бош қаҳрамон — исми Тирик ва насаби Уйғоқ ўғли, яъни ақл номидан қаттиқ қоралайди. Одамни нафс балосига берилмасликка чақиради, тақдири ва ихтиёри тизгинини зарарли ишларга, бахтсизликларга олиб бориши мумкин бўлган ва олиб борадиган ўй-фикр ҳамда ҳиссиётларга берилмасликка, умуман, уларга йўл қўймасликка ундайди, ҳар бир ҳаракат ақл ва фаросат (мантиқ) асосида бўлиши зарурлигини, яъни ёмонликлардан қочиб, ҳар нарсани ақл ва фаросат-мантиқ билан ўлчаб иш кўриш ва ҳар бир ҳаракат ҳамда ишда юксак инсоний фазилатларга содиқ қолиш вожиблигини таъкидлайди. Ҳақиқий бахтга эришиш воситаси ва йўли шудир, дейди Ибн Сино.

Яна ниҳоят даражада муҳими шундан иборатки, Ибн Сино қиссада жуда мураккаб мажозий тарзда фалсафий фикр юритиб, халқлар ва мамлакатлар бошига бало келтирадиган ва ўз даври учун ҳам характерли бўлган зулм, ғорат урушлари ва талон-торождликларни қоралайди, идеал шоҳ, оқил ва одил ҳукмдорлар ҳақидаги, аҳолиси жуда узоқ умр кўрадиган, озод нафас оладиган, тинч ҳаёт кечирадиган, муҳтождликни билмайдиган ва бахтли яшайдиган кўркем жамият ҳақидаги, инсон моҳиятига мос гўзал социал воқелик ҳақидаги орзуни ифодалашга ҳамда эъзозлашга етиб келгандай ҳам бўлади...

Қиссанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ибн Сино унда кўпинча материалистик тенденцияли гносеологик фикрларини ҳам ифодалайди, айниқса, ҳис органларининг роли масалаларида.

Кўринадикки, асар ҳар жиҳатдан ниҳоят даражада символик йўл ва ғоят мураккаб услуб ҳамда иборалар, мифологик воситалар билан тўла бўлиб, тушунилиши чўнг қийин бўлса-да, жуда лаконик тарзда яратилган ўта қимматли хазиначадир...

Ибн Синонинг «Тузоқ ва қуш китоби» номли қиссаси ҳам ўзига хослик билан ажралиб туради. Унда улўф файласуф, гуманист адиб қушлар ҳаёти ҳамда сайрсаргардонликлари орқали, мажоз йўли ҳамда воситалари ила чўнг муҳим масалаларни ўртага ташлайди. Шу жумладан, тутқунлик ва зўравонликлар билан тў-

ла даври устидан айбнома чиқаргандай бўлади, адолатли ҳамда чин инсоний дўстлик, ҳамкорлик куйланади, инсонларнинг айниқса алам-андухли замонларда бир-бирларига меҳрибон халоскор ҳамда кўмакдош бўлишлари зарурлиги энг юксак, энг гузал инсоний фазилатлардан деб кўкларга кўтарилади.

Яна, муаллиф ўз аччиқ фожиаси-қувғин, таъқиб ва дарбадарликда ўтган ҳаёти ҳақида мажозий тарзда алам ила ҳикоя қилади. Шу билан бирга маълумки, уша вақтларда неча-неча минглаб оддий одамлар, меҳнат аҳли зулм ва тутқунликда, асорат ва мутаассиблик тузоғида эди, эзилганича индамай ётарди азобда, яъни фожиага кўникиб қолгандай ҳам эди... Ибн Сино қиссада шунга ишора қилгандай бўлади ва ачиниб билан сўзлайди, уларнинг бундай ҳолатга тушиб азоб чекаётганликларини афсуслик билан қайд қилиб, тузоқдан қутулиш ҳаракатида бўлишга ундагандай ҳам бўлади... Бу, албатта, жуда муҳим!

Энг муҳими яна шундан иборатки, адиб бу асарида ўзи яшаган ва ғоят хавф-хатарли шароитлар тақозоси ила очиқ, тўғридан-тўғри айтилмай, мажозий воситалар ёрдамида иш кўриб, ўзининг «Хайй ибн Яқзон» қиссасидаги каби, Форобий ортидан бориб, идеал шаҳар — мамлакат — иқлим ва адолатли шоҳ, ҳукмдор ҳақидаги орзуларини севинч ҳамда ҳавас билан ифодалайди. Мана, қушлар ҳаракат қилиб ва дўстлар ёрдамида тузоқдан халос бўладилар, аммо бадкор, шафқатсиз душманларнинг зулмидан, таъқибидан, қувишидан қочиб бошқа ўлкаларга уча бошладилар. Шунда бир ерга келганда... «Бундай қарасак, — ҳикоя қилади қушлар, — кўз олдимизда ҳаммаёғи кўм-кўк, обод, мевазор, анҳорлар оқиб турган боғлар турибди. Унинг неъматлари ўз кўриниши билан кўзларни қамаштириб, фикрларни ҳайратда қолдиради. Қулоқларингга ашула куйлари, мунгли нағмалар эшитилади; на ўткир мушкда ва на анбарда бўлмайдиган ҳидлар димоғингга урилиб туради...

У ердан учиб, саккизинчи тоққа етиб келдик. Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрига ёриб кириб кетган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар (озод одамлар, демоқчи адиб — В. З.) учиб юрибди. Мен ўрнимда бундай ҳушнаво, гузал, ҳушсурат, дилкаш қушларни учратмаганман. Уларнинг ёнига қўнганимиздан кейин, биз илгари ҳеч кимдан кўрмаган ва эшитмаган эҳсон, лутф ва одамгарчиликни кўрдик, самимий ёр-

дамни ҳис қилдик. Ҳатто биз умр бўйи уринсак ҳам, борингки, умримизга бир неча бор умр қўшиб берилганда ҳам, уларнинг бизга берган ёрдамларининг кичик бир улушини бажо келтиролмаймиз. Улар билан танишиб бўлгач, биз уларни ўзимизга азоб бераётган воқеадан огоҳ қилдик. Шунда улардан бири сўзимизга эътибор бериб, «Мана шу тоғнинг орқасида бир шаҳар бор. Ўша ерда буюк подшоҳ истиқомат қилади. Ҳар бир зулмдийда унга сифинса ва таваккул қилса, унинг қудрат ва мадади билан бахтсизлик ундан йироқлашадиган», — деди»¹.

Қушлар ўша томон йўл оладилар, ҳам гўзалликда, ҳам кенгликда асло тавсифлаб бўлмайдиган саройга келадилар. «Ниҳоят биз, — деб ҳикояни давом эттиради қушлар, — подшоҳ ҳужрасига етдик. Парда кўтарилиб, подшоҳ жамолига кўзимиз тушгач, унга кўнглимиз тушиб, ҳаммамиз ҳушимиздан кетиб, шикоят қилишга ҳам қодир бўлмай қолдик. Ҳайтовур унинг ўзи бизнинг дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан хушимизга келтирди. Ниҳоят у билан гаплашишга журъат этиб, унга ўз кечмишларимизни гапириб бердик»². Подшоҳ қушлардаги дард иложини кўради. Шундан кейин қушлар таърифни давом қилдириб айтадилар: «у подшоҳ шундай бир подшоҳки, қачон сен дилингга завола аралашмаган бир жамолни, камчилиги бўлмаган бир камолни келтирсанг, ундаги бор жамол ва камолга дуч келган бўласан.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир камолат унда пайдо, ҳар бир нуқсон, гарчи мажозий бўлса ҳам, ундан узоқ. Камолнинг ҳаммаси унинг ҳусни учун юз, эҳсони учун қўлдир. Кимки унга хизмат қилса, у энг олий бахтга эришади»³.

Идеал жамият, мамлакат ва давлат бошлиғи ҳақидаги масала билан (қанчалик ички мажозий образлар, шакллари ва мақсадларига қарамай) Ибн Сино жуда қизиқади ва унга, юқориларда айтганимиздек, бошқа ерларда, жумладан, «Хайй ибн Яқзон» номли қиссасида ҳам катта эътибор беради. Чунончи, бу асарда бир юртни таърифлаб, ундаги ҳайратланарли ҳолатни тасвирлаб, муаллиф ёзади:

«Бу иқлимга келиб тушувчилар орасида ҳеч қандай

¹ Ўша китоб, 74—75-бетлар.

² Ўша китоб, 75—76-бетлар.

³ Ўша китоб, 77-бет.

келишмовчилик йўқ. Ҳар бир халқ учун тайинланган маълум улка бор. Улар устига ҳеч ким ғолиб бўлиб бостириб келмайди. Обод қилинган жой...

Унга ёндошган мамлакат аҳлларининг... юриш-туришлари оғирроқ бўлади. Улар ёзув-чизув ва нужум, найрангбозликлар, тилсимлар, нозик синоатлар, юксак ишларни биладилар ва шулар билан шуғулланишга ҳаракат қиладилар... Бу мамлакат аҳолиси ёқимли, жуда гўзал бўлади. Улар кайф-сафони жуда ҳам яхши кўришади, ғамдан озодлар, турли наъмаларни латиф қилиб чалишади, унинг турли-туман куйларини билишади. Бир хотин уларга подшоҳлик қилади. Эҳсон ва яхшилик улар учун табиийдир. Агар ёмон нарсга гапирилиб қолинса, ундан нафратланишади¹

Яна давом қилиб ва илгарилаб Ибн Сино ёзади: бу мамлакатга «ёндошган буюк мамлакат аҳллари иффат, адолат, ҳикмат ва тақвога берилган, яхшиликни қўлга киритиш учун ҳар томонга боришга тайёр, узоқ ва яқин барча кишиларга шафқат кўрсатишга эътиқодлидирлар. Билган ва билмаганларига яхшилик кўрсатувчилардир. Нафосат ва гўзалликда буларнинг тенги йўқ...»²

Хуллас, бундай юксак идеал бизнинг ватандошимиз бўлган буюк гуманист олим учун табиийдир, албатта!..

Яна шуниси қизиқки, Ибн Сино бу масалада ҳам ўз идеалини ифодалаш ва эъозлаш билангина қаноатланмай, уни унга зид бўлган ва ўз даври учун характерли бўлган хунук ҳолатга қарши қўяди мазкур асарида ҳам ва кўримсиз ҳолатни таърифлаб айтадики, юқоридаги гўзал мамлакатга «ёндошган мамлакатда дунёда ёмонлик қиладиган халқлар жойлашган. Улар бўғиш, қон тукиш, ўлдириш ва оёқ-қўл кесишни яхши кўрадилар, ўйин-кулгини севадилар. Уларнинг кулфат келтирадиган қотил, урадиган, қирмиз юзли, йўлдан урувчи подшоҳи бор».³

Бундай ярамас ва фожиали социал воқелик ҳамда ҳукмдорларни рад этиш буларнинг азобини кўравериб жонидан тўйган буюк гуманист олим учун табиий эди, албатта!..

Яна «Тузоқ ва қуш китоби»га қайтиб, унинг қуйидаги энг охирги хулосавий мисраларини келтирсак, Ибн

¹ Уша китоб, 64-бет.

² Уша китоб, 65-бет.

³ Уша китоб, 65-бет.

Синонинг бу ердаги фикр олами ва донолиги янада кенгроқ ва чуқурроқ очилган бўлади, албатта:

«Зулм қилганлар келгусида қаерга ағдарилишларини билишади».¹

Умуман, ғоят муҳим нарсa шуки, Ибн Синонинг биз танишган ҳамма қиссаларига муайян даражадаги принципиаллик, активлик ва ҳужумкорлик хосдир. Бу, албатта, жуда муҳим.

Ибн Синонинг ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида ҳам ғузал ғоявийлик ва юксак бадийлик, ажойиб образлилик ва жиддийлик, енгил юмор ва узиб олувчи киноя бор. Бунда шоирнинг, айниқса рубоийлари ҳар жиҳатдан ажралиб туради. Тасодифий эмаски, аввало шундай шеърлари ила Ибн Сино ўзидан кейинги шеърятга жуда катта ижобий таъсир кўргазди, уларни, чунончи, буюк Умар Хайём ижодининг энг асосий заминларидан биридир, дейдилар. Масалан, Ибн Синонинг қуйидаги рубоийси дарҳол Хайёмни эсга солмайдими?!

Соқий, жаннатий соф зулолинг қани?

Ҳақ кўринар ойна мисолинг қани?

Ичимни тозалаб юймоқ ниятим,

Чўлоқ қумғон, синган сафолинг қани?

(Ш. Шомухамедов таржимаси.)

Ҳақиқатан ҳам, Ибн Сино рубоийларининг бадий ва ғоявий савияси, ранг-баранглиги, ихчамлиги, мазмундорлиги ҳайратланарли даражада юксакдир.

Ибн Синонинг қушлар ҳақидаги қиссаси таъсирида ҳам қатор машҳур қалам соҳиблари асар ёзганликлари, шу жумладан, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»и, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр»и маълум.

Мана, ўзининг ва ўзига ўхшаганларнинг, яъни зўравонлик ва жаҳолатга, нодонлик ва мутаассибликка, истибдод ва зулмга қарши турган илм ва маърифат аҳлларининг ўз давридаги аччиқ тақдири ҳақида алам ила ҳикоя қилиб, бу аччиқлик боискорлари бўлмиш ғоявий муҳолифлари ҳақида сўзлаб нималар дейди шоир Ибн Сино ўзининг барчага машҳур байтларида:

Олий мансаб эгалари жонсиз нарсалар бўлади,

¹ Ўша китоб, 77-бет.

Ажаб, жонсиз нарсалар ҳам нашъу намо қилишар.
Мен улуғ бўлдим-ку, лек кенг бўлмади майдон менга,
Қимматим ошгач харидор чиқмайн қолди ахир.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Умуман, юқориларда Ибн Синонинг ўз ғаддор замонидан, шафқатсиз ҳокимлардан, жоҳил руҳонийлардан, муттаҳаму баттоллардан азоб чеккани, зорлангани, таҳқирлангани, қувғинга, дарбадарликка ҳам солингани ҳақида бир оз бўлса-да сўзлаган эдик. Қарангки, улуғ инсонпарвар олимнинг ҳатто ҳаётига ҳам қасд қилишга уринишлар бўлган эди. Ана шуларнинг барчасига Ибн Сино шундай сўзлар билан жавоб берадики, бу сўзларнинг ҳар биридан ўт чақнайди, ғазаб ва нафрат олови ёнади. Масалан, феодал даврининг бош хусусиятига, яъни олтин ва бойлик ҳар нарсадан юқори қўйилишига қарши эътироз билдиради:

Ҳар ерда жаҳолат ҳаддан ошган он,
Замона жигаринг қилур қора қон.
Марварид, гавҳарга тўлурму қўлинг,
Остонанг ул ёғи гар бўлса уммон!

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Иуқ, тўлмайди!.. Ўз ҳаёти маъносини олтину жавохирларда кўрган асло тўймас. Молпарастлар тождор ва юқори амалдорлар, катта мулкдор ва талончиларнинг бойликдан на қўллари тўларди, на кўзлари тўярди, инжулар денгизи ҳатто шундоқ уйлари ёнида бўлса ҳам...

Бошқа шеърида Ибн Сино бундай мол-дунёни, бойликларни, бойликка бундай муносабатда бўлишни одамга душманликдир, дейди ва юракдан самимий маслаҳат бериб ёзади:

Эй нафс, ки ғарқ айла ҳавою ҳавасинг,
Зуд улки, зарур ҳимояти бир нафасинг.
Дунёда дема, молу давлату ишва дема
Ким, дўст деб душманга гирифтор ўласинг...

(Ж. Камол таржимаси.)

Ибн Сино бу билан ҳам қанотланмасдан, билимни, илмларни бундай мол-дунёга, бундай муносабатга

қарши қўяди, жон соғлиғини, билимни, илмларни ҳар қандай бойликдан юқори қўяди, илм одамни ҳақиқий бахтга, фаровон ҳаётга олиб борувчи ғоят қудратли ва ишонарли омилдир, дейди:

Тарк қил бор нарсани, аълодурур жон ҳаммадан,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса, илм — бир ёнгуви шам.
Ҳикмати инсонни билгил у чароғда лампаёғ.
Гар чароғ равшан эурса, сен саломат ҳам тирик,
Гар чароғ сўнса, сенинг ҳам ўлганингдир ушбу чоғ.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Ибн Сино яна ўз аччиқ тақдири масаласига қайтиб, илмга, ўзига, ўзи кабиларга қарши қаратилган ҳужумларнинг сабабларини ва кимлардан эканлигини қаламга олиб ҳамда зорланиб, нафратга тўлган ҳолда ёзди:

Улуғлигим туфайли дилларида ваҳмалар зоҳир,
Иўқ эрса, шафқат этмай, айлашарди бетиним таҳқир.
Мени тутмоқчи булганлар қазиб чох, айлашар «ав-ав»,
Кучук овози ҳарёқда, фақат мен бунда шерман, шер.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

«Яхшиликка ёмонлик...» асосига қурилган машъум феодал ҳукмронлиги шароитларидан ва мутаассиблик кенг қанот ёйган замондан ғазабланиб ёзган қуйидаги сўзлари ҳам жуда тушунарлидир:

Узоқдан ўқрайиб, менга қилурлар неча ғавғолар,
Мен эрсам илм дерман, тунларим бедор ўтар бир-бир,
Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,
Кўрарди ишларимда ул ёмон ўрнига хўб тадбир.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Барибир, таҳқиру ғавғо, жаҳолату «ав-ав»лар давом қилаверди, аммо буюк Ибн Сино бутун салобати ила ўз йўлида шердек давом этаверди...

Ибн Сино май ҳақида кўп ёзади, ундан ўз меъёрида фойдаланиш (хурсандлик учун, ҳордиқ чиқариш учун, баъзи касалликдан даво топиш учун ва ҳоказо) мумкинлигини айтади. Шу билан бирга уни суниистеъ-

мол қилиш, унга берилиб кетиш бутунлай зарарлидир, дейди, ичиб олиб ҳар қандай ярамас ҳаракатларда бўладиганларни қаттиқ савалайди. Мана, шоирнинг шу ҳақда айтганларидан бир парча:

Ҳақиқат тип-тиниқ бода эрур руҳнинг ғизоси,
Чечак-гуллардин ўзгай бўйи ҳам ранги сароси...
Ақл фатвоси андоқким, ҳалолдир ичса донолар,
Вале аҳмоқлара макруҳ эрур кайфи сафоси...
Шаробни аблаҳ ичса, чун гуноҳи ҳаддидан ошгай,
Тилидин лоф ёғилгай, ўзгариб фикри ҳавоси.
Не ҳушдирким, қўлингга сунса паймона гўзал маҳбуб,
Гўзал юз шабнами томса, мен ул майнинг гадоси.
Абу Али, тиниқ майни ҳақимона ичавер,
Худо ҳаққи, шудир ҳақнинг йўлин топмоқ давоси...

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Бу ғавғоли, ғазабли, ғалаёнли, ҳам ўйноқи, ҳам ғамли дунёда, одамлар орасида, муносабатларида яна нималар бўлмайди! Жумладан, дўстим деб янглишган ва ўртаниб ёнган, сир айтиб адашган ва маккордан шапати еб азоб чеккан соф юракли, холис ниятли одамлар озми, ҳа, дўст кўриниб, пинжингга кириб олиб, зимдан душманлик билан машғул бўлган ва ҳақиқий одамийлик, виждон ҳамда ҳақиқат олдида жиноят қўлган, инсонлик номига иснод келтирган, доғ туширган муттаҳамлар, худбинлар оз дейсизми, манфур шахсий манфаат ва ясама, ҳаром обрў ортидан югуриб, ўзгаларни фалокату халокат гирдобига ташлашни афзал кўрган «дўстлар» оз дейсизми! Ибн Сино шундайлардан дод деб, одамларни огоҳлантириб ёзди:

Дўстим душман билан ўтирмиш бисёр,
Энди ўтирмайман у билан зинҳор.
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,
Пашшадан қоч, қўниш жойи бўлса мор.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Илм ва ижод оламига бир амаллаб кириб олиб, бемаъни такаббурлик ва қуруқ мақтанчоқлик билан машғул бўладиган, шу ила ўзларига ва ўзгаларга зарар берадиган олғир бебурдлар ҳам йўқ дейсизми! Жоҳиллик, калтафаҳмлик ва беҳаёлик қилиб ўзларини осмонда, охириги чўққида кўрган ва шундай қилиб бир ерда қотиб қолган ғофиллар ҳам йўқ эмас! Шуларга қаттиқ зарбадир мутафаккир шоирнинг ҳам ҳаққоний

улуғворлик, ҳам ғоят гузал камтаринлик билан суғорилган қуйидаги қуйма мисралари:

Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
Ечдим бор жумбоқни тафаккур билан.
Ва лекин тузукроқ уйлаб қарасам,
Билдимки, ҳеч нарса билмас эканман.

(С. Раҳмон таржимаси, «Гулистон» журнали, 1980, № 8.)

Ўзининг қатор шеърларида, ҳатто назм билан ёзилган жуда йирик тиббий асари «Уржуза»да ҳам Ибн Сино ҳаким бўлиб қолади. Одамнинг соғлиғи, саломатлигини сақлашга онд жуда кўп керакли, фойдали, доно ва илмий фикрлар ифодалайди, фойдали маслаҳатлар беради, яъни ҳам касал бўлмаслик ҳақида, ҳам беморликдан қутулиш йўллари ва воситалари тўғрисида чўнг ҳикматли ва қимматли сўзлар айтади. Чунончи, соғлик учун энг муҳим воситалардан бири шундан иборатки, одам яшайдиган жой тоза, ундаги ҳаво соф, беғубор бўлиши керак, деб ёзади Ибн Сино:

Соғ кишининг соғ-саломат, вақтини чоғ
Айламоқни истасанг гар, англа мутлоқ:
Маскан ўлсин сенга доим шундоқ диёр —
Бир диёрки, ҳаволари соф, беғубор.

Кўзни, кўриш қобилиятини зарарланишлардан эҳтиёт қилиб асрамоқ зарур. Шундай ҳаракатлардан бири қуйидагидир, дейди Ибн Сино:

Самум, Қуёш шўъласи ва чўғ — аланга
Қарши келса, зиён бўлур кўзгинангга.
Чаплашилган ажи-бужи хатга сира
Боқа кўрма, майда хатдан кўзинг асра.

(А. Ирисов таржимаси.)

Ҳаётнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи соҳаларидан бири бўлган овқат масалаларида Ибн Сино қайта-қайта таъкидлаб айтадики, одам соғ бўлиб юраман, деса, ҳамиша бир маҳалда овқат есин, айниқса, иссиқ ёз вақтларида қаттиқ гушт истеъмол этишдан нафсини тийиши ва кўпроқ гиёҳ, кўкат, сут ва шунга ўхшаш енгил нарсалар ейиши керак.

Инсон соғлиғи учун яна бир ғоят зарур бўлган жиддий масалада маслаҳат бериб ва овқатни яхши ҳамда

енгил ҳазм қилиш жуда муҳим эканлигини қайд қилиб,
дейди Ибн Сино:

Ҳазм истасанг, шошмай егил, е майдалаб,
Муддатни чўз, чайнаб егил кўп марталаб.
Оғир бўлса чайнамоқлик гар тиш билан,
Андин оғир ҳазми анинг ютиш билан.

(А. Ирисов таржимаси.)

Ибн Сино яна одамга мурожаат қилиб айтади:
қоринни ўз вақтида тозалаб туриш, танани муттасил
ювиб туриш, нормал ухлаш, маст-аластликдан сақла-
ниш, жаҳл чиқишдан ўзни тийиш керак.

Агар овқат чексиз лазиз бўлса ҳам,
Кўп емагил, келтиради дарду ғам.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Буюк олим-ҳаким айниқса бадантарбияга жуда кат-
та эътибор беради ва унинг аҳамиятини мустасно деб
билади, соғ-саломат бўлиб юришнинг ҳамда фойдали
яратувчилик ишлари билан муваффақиятли машғул
бўлишнинг, шод-хуррам яшашнинг энг асосий омилла-
ридан биридир деб талқин қилади, такрор-такрор қайд
қилиб айтадики, соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири
бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу
тадбиридир. Жисмоний машқлар билан доим муътадил
шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога муҳтож
бўлмайди.

Ибн Сино ижоди тематикасининг яна бир ажойиб
қирраси бор бўлиб, у шундан иборатки, бу улуг сиймо
қанчалик қиёсий кураш, илм ва жамият одами бўлма-
син, ҳар жиҳатдан реал шахс эди, реал ҳаёт одами эди,
ўз нозик ҳиссиёти, лирик қалби, ширин орзулари би-
лан, чиройли диди ва ўйноқи интилишлари билан... Ма-
на қаранг, шундан шаҳодат бермайдими унинг ўз дил-
барига қилган шу мурожаати:

Ким берди рухи лолаю гулбор сенга?
Бу сумбули наврастани, гулнор, сенга?
Кундузни қаро тун қўлига ким берди?
Бу ёри сазониким, сазовор, сенга?

(Ж. Камол таржимаси.)

Ёки, ўз севгилиси билан қилган қуйидаги жуда
тотли, ўта иффатли ва чўнг жўшқин суҳбати-чи, ҳа,
ажойиб бевоситалик ва самимият, соф севги ва садо-

қат туйғулари ифодаланган, маҳбубанинг ҳам ажойиб
гузал қиёфаси ва ғоят нозик табииати муйқалам ила
жуда моҳирона чизилган шу лавҳа-чи!

Сурдимки: — Нечун шикаста, нолондирман?

Айди: — Сабаби мен, гули хандондирман.

Сурадимки: — Нечун куйингда гирёндирман?

Айдики санам: — Сен тану, мен жондирман...

(Ж. Камол таржимаси.)

Ҳа, Ибн Синонинг маҳбубага бағишланган лирик
шеърлари унинг юраги ҳақиқатан ҳам нақадар нозик
ва ҳиссиёти нақадар бой ҳамда гузал эканлигидан да-
лолат беради. У, севгили ёрни ажойиб тарзда ардоқ-
лайди, маҳбубаси назокатини ҳайрат ила дилдан та-
раннум этади, қадр-қимматини кўкларга кўтариб мадҳ
қилади, нафосатини жўшиб куйлайди:

Тулғониб зулфинг магар йил бўйи ларзон айлағай.

Билки, анбар нархини бозорда арзон айлағай.

Гар юзингдан ёшунуб қочса қулоқ ортига зулф,

Буйлаким, чехранг нури кундузни яксон айлағай.

(Сулаймон Раҳмон таржимаси.)

Қўринадики, ўз даврида насуру шеърятда Ибн Си-
нога кўп жиҳатдан тўғри келадигани — беллаша олади-
гани йўқ эди. Унинг ижодий маҳсули ўз хусусиятлари
ила кейинлар ҳам ривожлантирилди-ю, лекин такрор-
ланмай келаверди...

Улуғ ҳаким, мутафаккир, гуманист Ибн Синонинг
шеърятга мурожаат этиши ва шеър ёзиши, ёзганда
ҳам, жуда юксак савияда ёзиши, қалб қўри билан ижод
қилиши асло тасодифий эмас, асло шунчаки ва ўткинчи
бир машқу машғулот ҳам эмас, албатта. **Ахир**, катта
маҳорат ила шеърда ва бошқа бадний жанрларда ифо-
даланган фикр, маслаҳат, насиҳат жуда зўр ижобий
ва кўп натижали таъсирчан бўлади... Бунинг устига,
Ибн Сино шеърни одамларга янада фойдали бўлсин
учун содда, тушунарли қилиб ёздим, деб ҳам хабар бе-
риб мақсадини янада чуқур англатмоқчи бўлади: «Мен
бу уржуза — дostonга камолот тўнини ва ҳусн сару-
фосини кийгаздим, уни ўрганиш осонроқ ва машаққа-
ти камроқ бўлсин деб, тўқилишини осон ва вазнини
енгил қилдим»¹.

¹ Ўша асар, 11-бет.

Бинобарин, шеър ёзиш, шеърга, бадийятга шундай муносабатда бўлиш буюк инсонпарвар олим-ҳакимнинг инсон соғлиғига шу йўл билан ҳам кўпроқ фойда беришга интилишидан, инсонга ғамхўрлиги ва муҳаббати қанчалик кучли ҳамда самимий эканлигидан далолат берса керак! Яна шуниси ҳам борки, умуман бадийят, жумладан, шеъринг шаклидаги нафосат инсоннинг руҳий оламини безашга ҳам ёрдам беради... Хуллас, бежиз эмаски, Ибн Сино ўзининг шеър санъати ҳақидаги махсус асарида шеър инсон учун жуда муҳим ва унинг таъсир қудрати чўнг зўр эканлигини қайта-қайта қайд қилади ва буни назарий психологик асослашга ҳам муваффақиятли тарзда ҳаракат қилади...

Ҳа, шу қадар ғамхўрлик! Инсонга! Инсон соғлиғи ва бахтига, фароғати ва фаровонлигига!..

...Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиққан, асарлари аллақачонлар дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилиниб жаҳон маданиятининг тараққиётига асрлар мобайнида улкан улуш қўшиб келаётган Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Улуғбеклар бошқа халқлардан чиққан улуғлар каби, бутун башариятнинг фаҳри ва фарзанди ҳисобланадилар, шу башариятнинг эзгу интилишларида кўмакдошдирлар. Улар ўзлари ёққан ва асло сўнмас илм чироқлари билан, ардоқлашган илғор ғоялари билан, кўпмиллатли совет халқига ҳам тараққиётда, ақл ва адолат тантанасини таъмин этишда, янги жамият яратишда актив ёрдамчидирлар. Уларнинг юбилейлари инсон ақлининг ва гўзал орзуларининг, ҳақиқий гуманистик ва интернационалистик илмнинг, умумбашарий маданиятнинг тантанаси тимсоли бўлмоқда, халқларни бир-бирига душман қилишга, илмни ўлим хизматиға қўйишга, атом қудратини ажал ва вайроналик қуролиға айлантириб, инсон бошиға бало ёғдиришга уринаётган империалистик гуруҳларға қарши кураш тантанаси шаклида, шу курашға ёрдам берадиган тантана сифатида ўтди ва ўтмоқда.

Бу гал мақоламизни хулоса тарзида қуйидаги икки улкан шахсларнинг самимий эътироф сўзлари билан тугаллашни мақсадға мувофиқ деб билдик.

Абу Али ибн Синонинг шу кунларда бизда давом этаётган юбилейига келган ва бу гениал мутафаккир, гуманист олим ҳамда адиб ижодиё ҳаётиға бағишланган катта илмий анжуманда иштирок этган машҳур инглиз фармаколог олими, Манчестер университетининг профессори Эдвард Шеллар шундай деди:

«Мен улуғ медик ва гуманист шарафига ташкил қилиб ўтказилаётган юбилей тантаналаридан жуда катта ҳайрат-ҳаяжондаман. Унинг ёрқин ҳаёти ҳозирги кун фани чўққиларига йўл ёритган чўнг жасорат-баҳодирликдан иборатдир. Биз илмий конференцияда иштирок этдик, жаҳонга Ибн Синони берган ер меҳнаткашлари ўзларининг буюк ватандошининг хотирасини нақадар эҳтиёткорона сақлаб келаётганликларини кўриб-Ибн Сино баралла ифодалаган — эълон қилган гуманистик идеалларни амалга ошириб ривожлантиратганликларини ҳам кўриб жуда хурсанд бўлдик. Совет Ўзбекистонидagi фан ютуқлари одамни лол қолдирарлидир. Мен бу ердаги фармакологларнинг асарларини диққат — эътибор ила кузатиб келаман ва Ибн Сино қолдирган меросдан улар ғоят унумли ҳолда фойдаланаётганликларини яхши биламан...»¹

Ҳа, чиндан-да, Ибн Сино ўз асарларида ҳамон тирик, биз билан, бизга фаол кўмакдош!

Машҳур совет файласуфи, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Федосеев жуда ҳақли суратда ва чўнг тўлқинланган ҳолда ёзди:

«Буюк ватандошимиз... фанлар хазинасига, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бениҳоя катта ва мислсиз ҳисса қўшди... шу боис буюк энциклопедист олим, ақл ва тараққиёт курашчиси Ибн Сино хотираси совет кишилари ва бутун илгор инсоният учун ҳамиша қадрлидир»².

Ҳа, худди шундай!

Ниҳоят икки поэтик асар ҳақида тўхталмасдан ўтолмайман.

Яқинда атоқли рус шоири Лев Ошанин Ибн Синога бағишлаб ўзининг балладалардан иборат «Ибн Сино тилсими» номли шеърий романини нашр қилдирди. Асар аввалида автор ёзади:

Балки шу туфайли мозий қўйнидан
Кириб келар менинг достонимга у, —
То ҳануз бир ёруғ тафаккур билан
Бемор боши узра посбон беуйқу.

Жуда яхши айтилган бу мисраларда!

Давомида шоир айтади: шеърятда қофия бебаҳодир, унинг ўз ҳамоҳанглик қонунияти бордир, ахир, мана, ун асрдирки, «Медицина» билан «Авиценна»

¹ «Правда Востока», газ, 27 сентябрь, 1980 г.

² «Известия», газ. 18 сентябрь, 1980 г.

қофиядошдир; шу мангу зот билан қофиядошдир юлдузлар осмони ҳам, математика, музика, қуёш ҳам, бўлган ҳақиқатлар ва афсоналар ҳам, ҳатто шеърятнинг ўзи ҳам...

Жуда чуқур маънолар ифодалангандир бу мисраларда ҳам!..

Асар охирида муаллиф Ибн Сино ҳаётидаги аччиқ аламли фожиа ва даҳшатли курашу тўқнашувлар ҳақида, унинг мангу даҳоси ва тақдири тарихи ҳақида сузлаб ёзади:

Султон Маҳмуд Ғазна ҳокими,
Номинг сенинг ўчгайдир, шаксиз,
Аллақачон бадбин туш каби
Сени унут этарди дунё.
Сен кераксан, ёлғиз сабаби —
Сен-ла бирга яшаган Сино.

Унинг хоксор, ғариб гушаси
Ҳаловатни билмаган бир зум.
Унинг тортган жабрин барчаси
Тахтинг зулми бўлгани маълум.
Амин эдинг, ислом мулкида
Дастинг сенинг эди сарбаланд.
Сен яшадинг тахтнинг устида,
У — башарий ўйлар билан банд.
Сен зобитсан, собит ва айёр,
Чиқа олгунг сувдан ҳам қуруқ.
Лекин шунга бўлгинки иқроф
Султон, сенмас беназир, улуғ.

Ҳаётини этмоқ-чун бенур,
Сен унга чоҳ қаздинг бир умр.
Қумолмадинг доврўғин. Лекин
Қумилдинг сен ўзинг зулматга.
Исфаҳонда эшитди олим
Ўитганингни қора риҳлатга.
Қани мулкинг, мустабид Маҳмуд?
Саройларинг, кўшкларинг қани?
Не замонлар ора кезар бут.
Ўлмас зако — Сино қарвони.

(Мирўлат Мирзаев таржимаси.)

Жуда катта ва ўрнак бўларли, мустабидларни қаттиқ огоҳлантирадиган ва зарба берадиган улуғ ҳақиқат қайд қилингандир бу ўта ҳикматли мисраларда!..

Ўнг юксак истеъдодли ва севимли шоиримиз Абдулла Орипов ҳам Ибн Сино ҳақида ғоят ажойиб, чуқур фалсафий дoston яратди, «Ҳаким ва ажал» деб атади ва унинг охирида, асрлар ортидан асрлар, салтанатлар ортидан салтанатлар келиб кетганлигини, аммо гениал Ҳаким ҳамон бедор эканлигини, умрининг поёни йўқ эканлигини қайд қилиб ёзди:

У вақтдан холи...¹

Ҳа, худди шундай! Ибн Сино вақтдай қудратлидир, вақт зулмидан зурдир, вақтдай боқийдир! Ҳатто вақтдан холидир!..

¹ Абдулла Орипов. Ҳаким ва ажал. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 76-бет.

ФАСОНАЛАРДА ЯШАЙ БОШЛАГАН ШОИР

1247 йилда кунлардан бир кун Хоразм ўлкасида, умумбашарий цивилизация бешикларидан бири ҳисобланган, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийлар нафас олган мазкур тарихий диёрда бир бой маданиятли ва юксак дидли ўзбек оиласида юзадан қараганда оддий, лекин аслида, ғайри оддий, муъжизаомиз бир воқеа рўй беради: шундай бир фарзанд таваллуд топадики, унга Маҳмуд деган ном берадилар, у йилдан йилга ўтиб улғаяверади, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатлардан ҳаммани ҳайратга соладиган бўлиб, шуҳрати узоқ-узоқларга кетадиган бўлади, шеърият осмонида яна бир Хайём пайдо бўлади. Аммо қарангки, олти юз эллик йилча узун вақтлар керак бўлди унинг асарлари маълум даража топилиб — аниқланиб, ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиб ўз халқига қайтарилишига!.. Бу, мазкур ўта муҳим ишни ўн йиллик оғир ҳамдаа фидокорона меҳнат натижасида амалга оширишда жонбозлик қилган тадқиқотчи олим Тўхтасин Жалоловнинг ўзи ҳикоя қилишича, шундай содир бўлди (бу шаҳодат-ҳикоят-хизмат ғоят катта таҳсинга сазовар ҳамда жуда ўрнатқуч бўларли бўлгани учун ҳаммасини келтираман):

«Субҳидам пайти кимдир кўча эшигини қоқди, бу декабрь ойининг аёз тонги эди. «Ҳозир» дедим-да, на-ридан-бери кийиниб ташқарига чиқдим. Чиқдим, ҳайрон бўлиб қолдим. Эшигимиз олдида Хоразм область прокурори Рустам Муҳамедов турарди.

Мен меҳмонни дарҳол иссиқ уйга бошлаб кирдим, пальтони ечиб, бемалол ёзилиб ўтиришни таклиф қилдим. Аммо меҳмон узр айтди:

— Домла, мен сизга Хоразмдан совға олиб келдим. Шу нарсани сизга топшириб, иккинчи самолётда қайтишим шарт, чунки кечки пайт обкомда мажлис бўлади.

Демак ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқ.

Биз ошиғич равишда совғани очиб кўрдик. Бу — биз зориқиб, истаб юрган Паҳлавон Маҳмуднинг ру-

бойилари мажмуаси эди.

Мен камоли қувонганимдан меҳмонни қучоқлаб ўпдим, ваъдага вафолари, олижанобликлари, маданиятимиз тарихига бўлган чексиз эҳтиромлари учун Мадраҳим Раҳмонов ва Рустам Муҳамедовларга қайта-қайта ташаккур айтдим.

Меҳмон хайр-хўш қилиб кетгандан сўнг, мен ифтихор билан ўйлардим: «Ажабо, партия ва давлат арбоблари, ҳатто адлия ходимлари ҳам адабиёт, шеъринг хизматида, бу қандай гўзал-а!»

Мадраҳим Раҳмонов ким дейсизми? Воқеа мана бундай:

Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги асаримни кенгайтириб, уни қайта нашр этиш менинг ўн йиллик орзўйим. Бу — янги тадқиқотлар ўтказиш, шоирнинг бошқа асарларини топиш, уларни форсчадан ўзбекчага таржима қилиб, шарҳу баён этиш демакдир.

Шу мақсадда 1974 йил 23 сентябрда... Хивага жўнадим. Таассуфки, Хива зиёратидан мурод ҳосил бўлмади. Хивадан бирон нарса топмадимгина эмас, борлари ҳам музейдан йўқолганини эшитиб қаттиқ ранжидим. Хуллас, Хивадан хуноб бўлиб Урганчга қайтдим.

Урганчда эски қадрдонимиз, область прокурори, ҳуқуқшунослик фанлари кандидати муҳтарам Рустам Муҳамедов хонадониди меҳмон бўлдик. Кечқурун дастурхон атрофида уч киши ўтирардик: мен, мезбон ва Хоразм областининг масъул ходимларидан Мадраҳим Раҳмонов.

Тўсатдан келган меҳмонга «Қандай шамол учирди?» — каби савол бериш одати бор.

Мен сафарим сабабини айтиб, Хива музейидан Паҳлавон Маҳмуд рубойларининг шоир Феруз кўчирган энг нодир нусхаси йўқолганини ҳасрат-надомат билан нақл қилдим.

Эшитганлар жуда хафа бўлишди, хафа бўлишди эмас, бир оз ҳижолат чекишди. Ахир, оталаримиз олти юз йил асраган дурдоналарнинг бугун музейдан ғойиб бўлиши ҳазил жиноят эмас-да! Ажабо, қайси муртад, қайси малъун бу қабих ишга қўл ўрди экан?

Мадраҳим Раҳмонов узоқ йиллар обкомнинг биринчи секретари, область ижроия комитетининг раиси лавозимида ишлаган, кўпни кўрган вазмин, камтарин киши эканлар. Мана шу киши менга тасалли бериб бундай дедилар:

— Хафа бўлманг, домла. Эзгу ният билан сафарга

чиқибсиз. Сизни ноумид қилиб қўймаймиз. Паҳлавон рубойларининг бир нусхаси менда ҳам бор. Аммо уни яқинда бир қариндошимиз Шовотга олиб кетган эди. Ҳозир пахта терим кампанияси, ҳаммамиз шу иш билан бандмиз. Сал қўл бўшаса, дарҳол уни олиб келамиз, бироқ сизга қандай етказиб беришни билмай турибман.

Гап шу ерга келганда мезбонимиз Рустам Муҳамедов сергакланиб:

— Агар сиз китобни менга келтириб берсангиз, мен дарров Тошкентга бориб, уни домланинг ўз қўлларига топшириб келаман, — деб илтифот қилдилар...

Рустам Муҳамедовнинг Урганчдан китоб кутариб Тошкентга келишдан мақсади шу ваъдага вафо қилиш эди...

Мен бу тўпламни олиб, Андижонга равона бўлдим. Муродим андижонлик дўстларим Имодиддин Қосимов (Улфат) ва Омонулло Валихонов (Боқир) билан бақамти Паҳлавон Маҳмуд рубойларини синчиклаб ўрганиш, уларнинг энг нафис ва мумтозларини танлаб олиш эди. Гап шундаки, Боқир ва Улфат форс тилинигина эмас, форс классик адабиётини ҳам жуда яхши билишади. Назаримда, биз учовлон бирга бўлсак, ҳар қандай нозик нуқтани ечимиз, ҳар бир маъно товланишини пайқашимиз осон кўринади.

Худди шундай бўлди. Ўн кун давомида (ҳар кун эрта соат 8 дан соат 2 гача) Ҳазрат Паҳлавон рубойларини синчиклаб ўқиб чиқдик. Шу жараёнда котиб йўл қўйган муқаррар хатоларни топиб тузатдик. Бадий баркамол рубойларни алоҳида дафтарга кўчирдик. Ана шундай тайёргарликдан сўнг таржимага киришдик»¹.

Чиндан-да катта илмпарварлик, жонкуярлик, олижаноблик ва софлик деб шуни айтадилар!..

Шундай йўллар ила яратилди Паҳлавон Маҳмуднинг форсийдан Т. Жалолов, М. Муинзода, А. Боқир, И. Улфат, Васфийлар томонидан ўзбекчага таржима қилинган рубойларидан таркиб топган, Т. Жалолов нашрга тайёрлаган ва унинг айрим мақолалари киритилган ва «Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар» номи билан яқинда чиқарилган (учинчи наشري) тўплам.

Мен юқорида шоир Паҳлавон Маҳмуднинг дунёга

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979, 23—24-бетлар.